

AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol.5 Issue 01 | pp.270-277 | ISSN:2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЛОГИСТИКАНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ: МУАММОЛАР, ЕЧИМЛАР



Бобохўжаев Ғиёсиддин Носирович

ТДИУ “Бизнес бошқаруви” кафедраси, и.ф.н., доцент, Тошкент

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида логистика соҳасини ривожлантиришнинг йўналишлари, бу ўринда мавжуд муаммолар, уларни ечимини логистикани на фақат транспорт соҳасидаги ташувлар маъносида эмас, балки логистикани барча жабхаларини қамраб олган ҳолда ўрганиш ва уни амалиётга тадбиқ этиш стратегияларини ишлаб чиқиш асосида чиқиш ва ташқи бозорларда рақобатбардошлик позициясини кучайтиришни самарали ташкил этишнинг оптимал вариантларини ишлаб чиқишдан иборатлиги ёритилган.

Калит сўзлар: бозор конъюктураси, инфратузилма, халқаро бозор, логистика, стратегия, логистика назарияси, моддий ва номоддий оқимлар, ҳаракатга келтириш каналлари.

КИРИШ

Ҳозирги кунда бозор муносабатларининг ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятнинг йўналишлари кескин тус олган ҳолда ривожланиб бормоқда. Бунинг асосий сабабига, халқаро миқёсда бозор муносабатларига асосланган ягона иқтисодий тизимни шаклландириш, бошқача қилиб айтганда иқтисодий тизимни глобаллашуви бутун дунё бозор муносабатларини қамраб олганлигини келтириш мумкин.

Шундай экан, иқтисодий тизимнинг барча йўналишларида, хусусан, логистика тизимида ҳам тадбиркорлик фаолиятини халқаро бозор талаблари асосида олиб бориш муҳим масалалар жумласидан бўлиб қолмоқда.

Мазкур масалани долзарблигини “Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг фармонида “халқаро транспорт коридорларини ривожлантириш, логистика тизимини такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш ва чора-тадбирларни амалга ошириш, мамлакат транспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш, тадбиркорлик субъектларининг транспорт-логистика хизматларидан фойдаланишдаги сарф-харажатларини камайитириш” каби масалалар давлат миқёсидаги иқтисодий сиёсатни амалга ошириш йўналишларидан бўлиб турганлигини кўриш мумкин. [1].

Айниқса республикамиз тадбиркорлари учун логистикани тўғри ташкиллаштириш, моддий ва номоддий оқимларни ҳарактини минимал сарф-

харажатлар билан амалга ошириш, ташқи бозор шароитларини тўғри таҳлил қилиш, ички ва ташқи бозор конъюнктураси ўзгаришларига тўғри баҳо бера олиш, бозорларга чиқишда товарни ҳаракатга келтириш каналларини самарали ташкил этиш ва уни бошқариш каби жараёнларга, айнан, илмий нуқтаи назардан ёндашиш, сотув хажмларини кенгайтириш имкониятини яратиш беради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Мавзуга оид муаммолар ўрганилганлик даражаси, ҳозирги кунда юқори. Бунинг асосий сабаби ер юзида бозор муносабатларига асосланган ягона иқтисодий тизимни тўла шаклланиб бўлганлигидир. Шу боис барча мамлакатлардаги тадбиркорлар тизимли равишда ташқи бозорларга чиқиш стратегияси асосида фаолият юргаздилар. Мутонасиб равишда, рақобат кескин бўлганлиги учун, фаолият олиб бориш илмий нуқтаи назардан ташкил этилишини талаб қилмоқда. Бу эса ўз ўрнида илмий ишланмаларни кенг миқёсда олиб борилишига сабаб бўлмоқда.

Бу ўринда А.У. Альбеков, В.П.Федько, О.А.Митьколарни мисол тариқасида келтириш мумкин. Улар ўз ишланмаларида, асосан, “логистика бу на фақат транспорт ташувларини ташкил этиш, ваҳоланки, логистиканинг асосий вазифаси моддий ва номоддий оқимларни логистик занжир орқали хом-ашё базасидан тортиб то охирги истеъмолчигача етказиб беришни ташкил этиш, назорат қилиш ҳамда бошқаришдан иборат” деб таъкидлаганлар. [2].

Санкт-Петербур далаат университетининг профессори В.В Шербаковнинг тахририяти остида тайёрланган “Логистика асослари” дарслигини яратишда қатнашган олимларнинг, хусусан, и.ф.д., профессор И.Л.Киппер, и.ф.д., профессор Л.А Мясникова, и.ф.д., профессор А.В Парфенов, и.ф.д., профессор Б.К Плоткинларнинг фикрича “логистика қидимги эрада ҳам, хаттоки, Александр Македонский даврида ҳам мавжуд бўлган бўлиб, ундан захираларни режалаштириш жойлаштириш, сақлаш, тақсимлаш, етказиш каби опрецияларни амалга оширишдан иборат бўлган” деб тариф берганлар. [3]

Европалик иқтисодчи олимлардан бири Д.Розенцвейгнинг фикрича: “Логистикадан ишлаб чиқаришни ташкил этишда, маҳсулотни қайта ишлаб, тайёр маҳсулот сифатида тайёрлашда, уни керакли истеъмолчига, керакли маҳсулотни, керакли вақтда, керакли хажмда, керакли жойга етказиб бериш учун фойдаланилади” деган назарияни илгари суради. [4]

Юқорида келтирилган тарифларни таҳлил қилиб айтиш мумкинки, бозор муносабатлари жуда мураккаб тизимни ташкил этган ҳолда, унда мавжуд бўлган ҳар-бир тадбиркор ўз позицияларини эгаллашга, уни кучайтиришга, доимий равишда рақобатбардошлик мавқеини эгаллаб туриш учун зиддиятли кураш олиб боради.

Мадомики шундай экан, демак, логистикадан унумли фойдаланиш учун республикамиз шароитида уни чуқур ўрганиш, амалиётга тадбиқ эта била уни на фақат транспорт ташувлари, балки барча йўналишларидан фойдаланиш ташқи бозорларга чиқишда самара бериши эҳтимолини кенгайтиради.

Шу билан бирга, ўрганиб чиқилган илмий адабиётларда халқаро юкларни ташиш жарёнларида бевосита ва билвосита иштирок этадиган ваколатли органлар,

ёки халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг ахборот-коммуникацион таъминоти билан боғлиқ ташкилий муаммолар, соҳани молиялаштириш механизмларини шакллантириш, соҳани такомиллаштириш бўйича хориж тажрибасини қўллаш масалалари, бундан ташқари, соҳага малакали кадрларни тайёрлаш, халқаро ташувларда халқаро ахборот коммуникацион ҳамкорлик муаммолари тўлиқ ўрганилмаган. Айрим хорижий тадқиқотчилар томонидан чоп этилган мақолаларда эса “Рақамли логистика” ва “Электрон логистика” каби тушунчаларнинг бири-биридан фарқли томонлари борасида аниқ ёндашувлар мавжуд эмас.

Назарий манбаларни таҳлил қилиш логистика тизимини ташкил этиш муаммосини ишлаб чиқиш корхонанинг интеграциялашган логистика тизимининг турли таркибий қисмларини такомиллаштириш орқали амалга оширилади деган хулосага келишимизга имкон беради.

АСОСИЙ ҚИСМ

Назарий жихатдан логистика тушунчасини таснифлашда бир нечта ёндошувлар мавжуд. Уларнинг кўпчилиги бу тушунчани моддий ва ахборот оқимининг биргаликдаги харакати ёки транспорт ташувларини ташкил этиш билан боғлашади холос. Вахоланки логистика-бу моддий оқимларни хом-ашё базасидан тортиб, то охириг истеъмолчига етказиб бериш жараёнини оптимал равишда ташкил этишни назарда тутди.

Бу ўринда, таъкидлаш жоизки, логистика бўйича барча таснифларни икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчидан, логистика хўжалик фаолиятнинг бир қисми сифатида, ишлаб чиқариш, товар алмашинуви соҳаларида моддий, молиявий ва ахборот оқимларни бошқаришни ўз ичига олса, иккинчидан–логистикани илмий йўналиш сифатида ўрганиш, у моддий ва номоддий оқимларнинг харакатини самарадорлигини оширишнинг инновацион имкониятларини топиш йўлида тизимли изланишлар олиб бориш билан тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Шу жумладан логистиканинг асосий концепцияси-бу минимал сарф-харажатлар асосида таъминот, ишлаб чиқариш, моддий оқимларнинг ташувини ташкил этиш, захираларни сақлаш, ва бу жараёнларни трансформация қилиш, маҳсулот ҳамда товарларни харакатга келтиришда инфорацион, молиявий оқимларни тўхтовсиз жараёнини бошқаришни ўз ичига олади, яъни маҳсулотни 5та асосий принцип асосида харакатга келтириш. Уларга, керакли маҳсулотни керакли манзилга, керакли хажмда, керакли муддатда, керакли истъмолчига етказиб бериш киради.

Замонавий талқинда логистикага хўжалик юритишнинг илмий-амалий йўналиши сифатида ёндашиш назарияси кенг тарқалмоқда. Бундай ёндашув ишлаб чиқариш ва товар алмашинуви соҳаларида моддий, молиявий ва ахборот оқимларини самарали бошқаришдан иборат эканлигини таъкидлайди.



1-расм. Ташқи бозорда рақобатбардошлик омиллари¹

Худди шу аснода халқаро логистика–ташқи бозорларга ишлаб чиқариш корхонасигача хом-ашё ва материалларни етказиб бериш, ярим тайёр маҳсулотларни қайта ишлаш, тайёр маҳсулотни ташқи бозордаги истеъмолчигача етказиб бериш, ҳамда ташқи бозор ҳақида зарур маълумотни тўплаш, сақлаш, уни қайта ишлаш, анализ қилиш, синтезлаш, ва моддий оқимларни жўнатиш жараёнида бажариладиган ташиш, сақлаш ҳамда бошқа моддий ва номоддий операцияларни бошқаришни ва назорат қилишни назарда тутати. Бу эса ўз ўрнида ташқи бозорга рақобатбардош товарларини етказиб бериш имкониятини кенгайтиради.

Юқоридагиларни умумлаштириб логистикага қисқароқ тасниф бериш мумкин.

Логистика–моддий, номоддий, яъни молиявий ва ахборот оқимларини, уларнинг биринчи манбадан то охиригача истеъмолчигача бўлган ҳаракатини бошқариш, назорат қилиш, режалаштириш ва ташкил этиш тўғрисидаги фандир.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳар қандай миллий иқтисодиётда ишлаб чиқарилган товарларга ташқи ёки халқаро бозорларда бўлган талаб қанчалик юқори бўлса демак мазкур давлатнинг миллий валютасининг курси ҳам юқори бўлади ва аксинча, миллий иқтисодиётда ишлаб чиқарилган товарларга бўлган талаб ташқи ёки халқаро бозорларда қанчалик паст бўлса, демак миллий валютанинг ҳам курси пасайиб бораверади.

Таъкидлаш жоизки тўловларни ўтиши муддатининг давлатлараро фарқланиши ҳамда инфляция ҳолатининг турғун ҳолатда эмаслиги ҳам логистик фаолиятнинг режали равишда олиб борилишига жиддий тўсқинлик қилишига

¹ Муаллиф ишланмаси

сабаб бўлади. Халқаро логистиканинг глобаллашуви йўлида мавжуд бўлган ва бозор муносабатларига тўсқинлик қиладиган ташқи бозор шароитлари, ундаги нарх-наволарнинг белгиланиши тизими, рақобат даражаси ҳақида маълумотлар базасини етишмаслигини ҳам айтиб ўтиш лозим.

Буларнинг ҳаммаси товар-моддий оқимларни ҳаракатга келтиришнинг оптимал вариантларини танлашни юзага келтиради. Мисол тариқасида «Мазда-Соллерс» компанияси Россия ҳудудида ишлаб чиқариш цехларини ўз вақтида қуришга улгура олмаганлиги учун бутлаш қисмларини олиб кириш учун божхона имтиёзларидан маҳрум бўлганлигини келтириш мумкин. Бу ўринда логистика жараёнининг таркиби, корхоналарда логистик фаолиятнинг икки жиҳати ажралиб туришини билдиради.

Биринчиси саноат инжиниринги тушунчаси билан боғлиқ бўлиб, транспорт воситалари ва омборларни, юклаш мосламаларини танлаш ва ишлатиш, қадоқлаш усули, ахборот бошқарув тизимлари ҳамда IT технологиялардан самарали фойдаланиш муаммоларининг ечимига қаратилган бўлса, иккинчиси эса моддий оқимларни макро ва микро даражаларда бошқариш ва ташкил этишнинг ўзига тегишли бўлиб, халқаро логистик тизимнинг амал қилиш жараёнида ҳар хил омилларнинг ўзаро таъсири таҳлилига ва синтезига асосланади. [5]

Умуман олганда бозор муносабатлари шароитида халқаро логистикага корхона бошқарувининг ташқи бозорга йўналтирилганлигини таъминлаб берувчи тизим сифатида қаралади ва шу орқали корхонанинг истеъмолчи билан алоқаларни ўрнатиш фаолиятининг таркиби аниқланади.

Шу соҳада амалга ошириладиган ишларнинг асосий йўналишлари қуйидагилардир:

- ташқи ва халқаро бозорларда аниқ турдаги маҳсулотларга бўлган талабни ўрганиш;
- маҳсулот ишлаб чиқарилиши учун зарур бўлган моддий ресурсларни харид қилиш, захираларнинг ҳажми ҳақида қарорлар қабул қилиш ва захираларни бошқариш;
- ташқи бозорда ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун моддий оқимларни ҳаракатга келтиришнинг оптимал вариантларини ишлаб чиқиш;
- товар тақсимотини ташкил этиш, тайёр маҳсулотни қадоқлаш ва танлаш, уни аниқ манзилга ташиш, истеъмолчига маҳсулотни етказиб бериш, зарур бўлган ҳужжатларни расмийлаштиришни саводди равишда амалга ошириш.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳозирги кунга келиб кўпгина трансмиллимй компаниялар товарни бозорга етказиб бериш билан боғлиқ бўлган барча функцияларни энди ривожланиб келаётган мамлакатдаги фирмаларга ўтказиб юбориётганликлари кузатилмоқда. Масалан спорт кийимлари ишлаб чиқарувчи Nike компанияси бугунги кунга келиб барча ишлаб чиқариш жараёнларини пудратчи фирмаларга шартнома асосида ўтказиб юбориб, ўзи эса фақат маркетинг тадқиқотлари ўтказиш, дизайнерлик фаолиятини ривожлантириш, ҳамда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш билан шуғулланишга ўтиб олган.


Бу ўринда таъкидлаш жоизки халқаро логистика юқори темплар билан ривожланиб бормоқда. Кўпгина давлатлар томонидан халқаро логистика тизимини

оптималлаштириш бўйича саби-харакатлар амалга оширилаётган бўлса ҳам, лекин логистиканинг глобал тизимини тўла қонли ривожланишида айрим тўсиқликлар мавжуд.

Бунинг асосий сабабларига алоҳида давлатдаги молиявий барерларни мавжудлиги, айрим ташқи бозорларнинг ўзига хос хусусиятлари ва “инжиқликлари”, рақобатнинг кескинлигини келтириш мумкин. [6]

Ҳорзирги тадқиқотларнинг натижаси, юқорида келтирилган омилларнинг юзага келишида алоҳида давлатларда сиёсий муҳитнинг барқарормаслигини кўрсатмоқда. Модомики шундай экан, бундай жараёнлар ташқи бозор муҳитининг изчил равишда ўзгариб туришига, анъанавий бозор шароитларининг тез-тез ўзгаришига, “бутунги бор нарса эртасига йўқ бўлиб қолиши”га, истеъмолчиларнинг хошиш-имкониятларини кескин равишда “тебраниб” туришига олиб келиши муқаррардир.

Шу боис ҳам тадбиркорлар томонидан ташқи бозор конъюнктураси, сиёсий муҳит, мутонасиб равишда божхона қоидаларини ўзгариб туришини олдиндан билиш имкониятлари ҳам чекланиб қолмоқда. Давлатлараро йирик ҳуқуқий номутонасибликларнинг, ташқи иқтисодий фаолиятида миллий зиддиятликларнинг мавжудлиги халқаро логистикани самарали ташкил этишда жиддий тўсиқларини юзага чиқариб келтириши ҳам алоҳида эътиборни жалб қилади. Бу эса, ўз ўрнида, логистик операторларнинг ёрдамчи воситачилар билан, яъни банк соҳаси, транспорт компаниялари, консалтинг фирмалари, хом-ашё базаси вақллари ҳамда ишлаб чиқарувчилар билан ишлашда қўшимча қийинчиликлар туғдиради. Юқорида келтирилган концепцияни схематик равишда баён этиладиган бўлса, компаниянинг ташқи бозорда муваффақиятли фаолият юрғазишида халқаро логистикани амалга ошириш ҳамда сервис хизматларининг сифатини кўтариш харажатларининг омилларини ҳам келтириш керак бўлади. (2-расм)



2-расм. Бозорга кириш ва чиқиб кетишнинг логистик концепцияси²

² Муаллиф ишланмаси

ХУЛОСА

Халқаро логистикани ташкил этишнинг замонавий йўналишлари бўйича хулоса қилинадиган бўлса, таъкидлаш жоизки тадбиркорлик фаолиятини халқаро миқёсда ташкил этишда қуйидаги кўп қўлланиладиган логистик стратегияларни ўрганиб чиқиб уларни амалиётда қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади:

- дифференциация стратегияси;
- вақт ўлчамлари асосидаги стратегия;
- атроф муҳит муҳофазаси стратегияси;
- юқори унумдорлик стратегияси;
- қўшимча қиймат стратегияси;
- диверсификация ёки ихтисослашув стратегияси;
- ўсиш стратегияси ва ҳ.к.

Мутонасиб равишда қуйидаги логистик стратегияга оид тавсияларни келтириш мумкин:

1) логистик фаолиятда корхонанинг узоқ муддатли рақобат позициясини кучайтиришга йўналтирилган соҳага алоҳида эътибор бериш;

2) қисқа муддатли бозор имкониятларига йўналтирилган тез-тез ўзгарувчан стратегиялар катта наф келтирмаслигига урғу бериш;

3) корхона имкониятларини чеклаб қўювчи, тез эскирувчи, ўта кескин ва номутаносиб стратегияларни қўллашдан узоқ бўлиш;

4) энг оптимал (мақбул) истиқбол шароитидагина самара келтирувчи стратегияни танлашдан огоҳ бўлмоқ;

5) рақобатчининг кучли жиҳатларини эмас, балки кучсиз жиҳатларига “хужум” қилишни назарда тутиш.

Албатта, келтирилган омилларга “панацея” сифатида қараш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки, ҳар бир ташқи бозорнинг ўзига яраша ташқи ва ички муҳити мавжуд бўлиб, уларни беланган ташқи бозорнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда алоҳида-алоҳида ўрганиш кенгрок имкониятларни яратиб беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги “Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5647-сон Фармони.

2. А.У.Альбеков, В.П.Федько, В.П.Митько, Логистика коммерции: Учебное пособие/ Под ред.В.П.Федько.-Ростов-на-Дону: Феникс, 2012.-512 стр.

3. Основы Логистики: Учебник для кузов/ Под.ред. В Шербакова.-СПб.: Питер 2009 г.

4. Д.Розенцвейг Системы руководства (Пер. С англ.- 2002 г.)

5. И.Н. Герчикова. Международное коммерческое дело: Учебник.-М: ИНФРА-М.2011г.

6. В.М. Кузнецов Андреев А.Д. Аутсорсинг: новое слово в управлении//ЭКО № 2022 № 4.

7. И.Н.Омельченко, Б.А. Аникин Л.С.Федоров Инфра-М. Год издания: 2021. Логистика. Стр. 320.

8. Д.О. Проценко Стратегическая логистика. Издательский дом «МЕЛАП». Год издания: 2005. Стр. 368 <https://e.lanbook.com/book/4008>
9. Джеймс С.Джонсон, Дональд Ф.Вуд, Дэниел Л.Вордлоу, Поль Р.Мерфи-мл. Modern logistics (Современная логистика). Учебное пособие. – М.: “Вильямс”, 2015.
10. В.А. Шумаев (2016) Основы логистики. -М.: Юридический институт МИИТ, С. 20. – 314 с

Copyright: © 2025 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

